

Рамазонни қандай ўтказамиз?



18:36 / 13.04.2021 1924

Алҳамдулиллаҳ муборак Рамазон ойи ҳам кириб келди. Аллоҳим бу гўзал ойни бизга барокатли қилиб берсин.

Рамазон ойи тани ва руҳни даволовчи шифо ойдир. Бу муборак ойда жаннат эшиклари очилади ва жаҳаннам эшиклари ёпилади, шайтонлар кишанланади ва энг улуғ кечалардан – Қадр кечаси бордир.

Рамазон ойи муслима аёлларимиз учун бошқача бир шукуҳ ва катта тайёргарлик билан бошланади. Бу яхши албатта. Лекин аввало ўзимиз учун кун тартибини тузиб олсак мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки рўза ибодати улуғ ибодат, Рамазон ойининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланмоқ зарур.

Маълумки, бизнинг аёллар кўп вақтларини ошхонада ифторлик тайёрлаш билан билан ўтказиб юборишади. Аммо Рамазон ойи нафсдан тийилиб ибодат билан ўтказиш зарур. Шундай экан бу ойда ошхонада камроқ вақт ўтказишимиз биз муслималар учун ибодатга кўп вақт ажратишимизга имкон беради.

Рамазон ойини Қуръон тилovati, садақа, зикр, намоз каби гўзал аммаллар билан бойитишимиз даркор.

Келинг, энди Рамазонда ҳамма ишимизни бажаришга улгуришимиз учун таомнома эмас балки, кун тартиби тузуб чиқамиз.

Саҳарлик

Зикрлар

Бомдод

Қуръон ҳатм қилиш

Уй ишлари

Зуҳо номози

Дунёвий дарслар ёки фарзандлар тарбияси

Пешин

Қуръон ҳатм қилиш

Дам олиш

Аср

Дуо ва зикр

Уй ишлари, (ифторга тайёрланиш)

Шом

Ифторлик

Ишлар ёки сайр

Хуфтон

Қуръон ҳатм қилиш

Таровех

Нафл намозлар

Ибодат ва зикрлар

Қурони каримда келишича

«Ҳар ким эрталик учун нима тақдим қилганига назар солсин». (Ҳашр сураси, 18-оят).

Азиз диндошим, шундай қилиб бу улуғ ойни дунёвий ишларга сарфлаб беҳуда ўтказмайлик, барчамизнинг қалбимизга иймон ва тақво жойлашини ва Ўзи тўғри йўл кўрсатишини, ҳаётимизни ибодат ва яхши амаллар билан безабини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

Фарангиз Очилова